Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 11 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 30 (13.093)

Баҳоси эркин нархда

"ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁДА ЭНГ ТЕЗ РИВОЖЛАНАЁТГАН БЕШТА МАМЛАКАТДАН БИРИДИР"

Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги элчихонасида мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда Бельгиянинг расмий, ишбилармон, илмий ҳамда жамоатчилик доиралари, Брюсселда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари, Европа ҳамжамияти комиссиялари, Европа парламенти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси билан яқиндан танишдилар. Юртимизда иқтисодиётнинг турли жабҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланишида молиявий-банк тизимини мустаҳкамлаш, саноат ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятини янада юксалтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни жалб қилиш юзасидан олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар муҳим омил бўлгани қайд этилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, фуқароларнинг реал даромадларини ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш, спортни янада ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самараси ҳам хорижлик мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Анжуманда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида ҳаётга босқичма-босқич татбиқ қилинаётган ислоҳотлар туфайли мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари ва унинг макро-иқтисодий мутаносиблиги таъминлангани алоҳида эътироф этилди. Мутахассислар шу каби ютуқлар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Хусусан, **Европарламент маслаҳатчиси Франк Швальба-Хот** Ўзбекистонга бир неча маротаба ташриф буюргани, ҳар сафар ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўлганини таъкидлади.

— Олиб борилаётган ислоҳотларнинг изчиллиги, босқичма-босқичлиги ва чуқур ўйланганлиги мамлакат иқтисодиётининг янада равнақ топиши гаровидир, — деди у. — Буюк олимлар ва мутафаккирлар, турли соҳалардаги илғор тадқиқотчилар етишиб чиққан, инсоният цивилизациясининг ўчоғи саналган бу ўлка бугунги кунда ҳам улкан интеллектуал салоҳиятга эга. Кўпчилигини ёшлар ташкил қиладиган аҳоли халқаро андозаларга мос бўлган таълимдан баҳраманддир. Ўзбек халқига хос меҳнаткашлик, аниқ мақсад сари интилиш, бағрикенглик фазилатлари бошқа соҳаларда ҳам юқори марралар забт этилишида муҳим омил бўлмоқда.

Шу боис "ўзбек модели" иқтисодиётни модернизациялаш, саноатни диверсификациялаш, юқори технологияларга асосланган тармоқларни ривожлантириш йўлини тутиш нуқтаи назаридан кўпгина давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ишонч билан айтишим жоизки, 2030 йилга бориб Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баравар оширишга эришилади. Мазкур жараёнда ўзбекистонликларнинг миллий ўзига хослиги, яъни ўз Ватанига бўлган чексиз муҳаббати ва садоқати катта ўрин тутади.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч



Темур Мамадаминов олган сурат

ОМАД СИЗГА, АСКАРЛАР

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни мамлакатимизнинг турли ҳудудларида жойлашган ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ташкил этилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар муддатли ҳарбий хизмат нуфузини ошириш ва давлатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида саралаб олишнинг самарали тизими йўлга қўйилди.

– Ватан ҳимояси ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи ва шон-шараф ишидир, – дейди муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчи Иброҳим Ҳикматов. – Қуролли Кучлар сафларида хизмат қилиш бахтига муяссар бўлганимдан бахтиёрман. Бунинг учун тест синовларига пухта тайёрландим, кўп йиллардан буён қўл жанги ва бокс билан шуғулландим. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотида ўқиб, ҳайдовчи-электрик касбини эгалладим. Бу менга армияда қўл келади.

– Қуролли Кучларимизда фарзандларимиз учун яратилаётган шароитлар учун давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз, – дейди ЎзА мухбирига чақирилувчининг онаси Муҳайё Ғуломова. – Миллий армия ёшларимиз учун ҳақиқий ҳаёт мактабига айланди. Ўғлим ҳам Ватан ҳимояси ишига ўз ҳиссасини қўшишидан фахрланаман.

Роман БОНДАРЧУК

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Мамлакатимизда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари яратилган, ходимлар хавфсизлигини таъминлаш, соғлиғини сақлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатлардандир.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши, соҳага кўп сонли меҳнат ресурслари ва замонавий техникалар жалб этилиши меҳнат хавфсизлиги шароитларини янада яхшилаш, иш берувчи ва ходимларнинг бу борадаги масъулиятини оширишни талаб этиши таъкидланди.

Қонун лойиҳасидаги иш берувчиларга қўйиладиган талабларни кучайтириш, уларнинг масъулиятини янада оширишга қаратилган нормалар қўллаб-қувватланди. Ходимга ва унинг саломатлигига зиён етган тақдирда зарарни иш берувчилар қоплаши бўйича меъёрлар акс эттирилиши ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтиради.

Қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш учун унинг муҳокамасига кенг жамоатчилик, касаба уюшмалари, кичик бизнес вакилларини жалб этиш ҳамда ҳуқуқий ва жамоат экспертизаси ўтказиш борасида фикрлар билдирилди.

С.ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси марказий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимиздаги салмоқли ҳиссаси билан давлат ва жамиятни ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимизда ушбу секторни жадал ривожлантириш мақсадида қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим устувор вазифа этиб белгиланган. Бунинг самарасида сўнгги 15 йилда ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 1,8 баробар ошиб, 2015 йилда бу кўрсаткич 56,7 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов 2015 йилда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Жумладан, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, маҳсулотлар экспортига кўмаклашиш, инвестициялар жалб этиш ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бугунги кунда Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари қошида 135 ахборот-маслаҳат маркази, жумладан, 5 ўқув маркази фаолият юритмоқда. Ўтган йили улар томонидан таъсис ҳужжатлари, бизнес режалар тайёрлаш, бухгалтерлик ҳисобини юритиш, суғурта қилиш ва бошқа бизнес жараёнлар бўйича қарийб 39 минг хизмат кўрсатилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухорода соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Когон тумани маиший хизмат касб-ҳунар коллежида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишлаб олимлар, шоир ва ёзувчилар иштирокида ўтказилган тадбир "Навоийнинг ижодий фаолиятида адолат ва инсонпарварлик ғоялари" деб номланди.

● "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичида Олтинкўл туманидаги 194-милиция таянч пункти ғолиб бўлди ва мамлакат босқичига йўлланма олди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйининг замонавий спорт майдончаси фойдаланишга топширилди. "Жана қадем" масъулияти чекланган жамияти курувчилари томонидан 181 миллион сўмдан зиёд бунёдкорлик ишлари амалга оширилган майдончада болажонлар учун барча шароит яратилган.

● Самарқанд шаҳридаги "Чорсу" тасвирий санъат галереясида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди муносабати билан Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси вилоят бўлими аъзолари ва ёш рассомларнинг миниатюра асарлари кўргазмаси иш бошлади.

● Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг бир гуруҳини тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Гонконгдаги ўттиз беш қаватли турар-жой биносининг йигирма учинчи қаватида юз берган ёнғин натижасида беш юз киши зудлик билан хавфсиз жойга кўчирилди. Ушбу бино атрофидаги қурилиш ҳавозаларининг ёниб кетиши мазкур ёнғинга сабаб бўлган.

● Буюк Британиянинг Аргайл вилоятида қаттиқ водородда ҳаракатланадиган илк учувчисиз самолётнинг синов парвози муваффақиятли ўтди. "Cella Energy" компаниясининг узоқ йиллик изланишлари натижасида ишлаб чиқилган ушбу самолёт экологияга зарарсизлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ҳозирда янги турдаги ҳаво лайнерини қувват билан таъминлаш тизими янада такомиллаштирилмоқда.

● Bloomberg агентлиги томонидан олтмиш уч давлат томонидан тўпланган маълумотлар асосида тайёрланган иқтисодиёти ночор давлатлар рўйхати эълон қилинди. Унда ночорлик индекси ишсизлик ҳамда инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Ушбу рўйхатнинг дастлабки уч поғонасини Венесуэла, Украина ва Аргентина давлатлари эгаллаб турибди.

ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари қошида ҳакамлик судлари фаолият юритмоқда. Ҳисобот даврида улар томонидан 1,1 мингдан ортиқ иш ва даъво аризаси кўриб чиқилди.

Савдо-саноат палатаси ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тадбиркорлар кунлари ўтказилмоқда. 2015 йилда шундай тадбирларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 100 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти иштирок этди. Улардан турли масалалар бўйича 17 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг аксарияти жойларда кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси мамлакатимиз тадбиркорлари ва хорижлик шериклар ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга кўмаклашганини таъкидлаш жоиз. Чунончи, 2015 йилда хорижий ишбилармон доиралар иштирокида 20 дан ортиқ кооперация биржаси ва бизнес-форум ташкил этилди. Шунингдек, 183 тадбиркорнинг хорижий давлатлар, жумладан, Германия, Италия, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда ўтказилган 49 кўргазма ва ярмаркада иштирок этиши таъминланди. Ўтказилган тадбирлар якуни бўйича қарийб 90 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

– Бугун ҳар бир тадбиркор давлатимизнинг эътибори ва қўллаб-қувватлашини ҳис қилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига пишлоқ тайёрлайдиган "Тилло Домор" хусусий корхонаси директори Умарбек Шарипов. – Айни пайтда корхонамизда 20 турдаги пишлоқ маҳсулотлари тайёрланмоқда. Савдо-саноат палатаси кўмагида "Менежментни ўқитиш дастури" лойиҳаси доирасида Болгария компанияларида малака ошириб, эчки сутидан олий навли пишлоқ тайёрлаш технологиясини ўргандим. Тез орада ишлаб чиқаришни ўзлаштирамиз ва юртдошларимизни янги турдаги маҳсулотлар билан хурсанд қиламиз.

Йирик ва кичик корхоналар билан кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, тадбиркорларнинг кредит ва хомашё ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш ҳамда бошқа йўналишлар Савдо-саноат палатасининг жорий йилдаги устувор вазифалари этиб белгиланди.

М.ҚАРШИБОЕВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МАБЛАҒЛАР МИҚДОРИ ОШАДИ

Мазкур комиссия аъзолари, сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашган йиғилишда Жамоат фондининг 2015 йилги фаолияти муҳокама этилиб, 2016 йилги иш режаси белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Жамоат фонди директори А.Тўраев, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Ў.Абдукаримов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, уларнинг ислоҳотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат бюджети ҳисобидан моддий қўллаб-қувватланмоқда. 2015 йилда ҳам фонд маблағлари нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг талабномалари ҳамда Парламент комиссиясининг қарорларига мувофиқ уларга субсидиялар, грантлар, ижтимоий буюртмалар тарзида берилди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида жамоат ташкилотларининг уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексаларни соғломлаштириш, отахон ва онахонларни протез-ортопедик воситалар, дори-препаратлар билан таъминлаш, навқирон авлодни нуроний-ларга ҳурмат руҳида тарбиялашга йўналтирилган лойиҳалари, ғоя ва ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

2016 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш учун республика бюджетидан 11 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилди. 2015 йил билан солиштирганда ажратилган маблағ миқдори 10 фоиз кўпдир. Жамоат ташкилотлари лойиҳаларини танлаб олишда аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга оид лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Йиғилишда Жамоат фонди фаолиятининг 2016 йилги дастури, фонд маблағларини тақсимлашнинг асосий йўналишлари, Парламент комиссиясининг иш режаси, давлат ижтимоий буюртмалари ва давлат гранти бўйича навбатдаги танловларни эълон қилиш, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоатчилик комиссияларининг иши атрофлича таҳлил этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

"ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁДА ЭНГ ТЕЗ РИВОЖЛАНАЁТГАН БЕШТА МАМЛАКАТДАН БИРИДИР"

(Давоми. Боши 1-бетда)

Осиё тадқиқотлари Европа институтининг илмий ходими Себастьяно Мори Президент Ислом Каримовнинг ушбу маърузасида кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда рўй берган ўзгаришлар чуқур таҳлил қилинганини билдирди.

— Мустақиллик йилларида республикада тизимли ислоҳотлар амалга оширилди, — деди европалик олим. — Улар давлатнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш имконини берди. Иқтисодиётни модернизациялаш ялпи ички маҳсулотнинг изчил ва барқарор ўсишида катта туртки бўлди. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, йирик энергетика ҳамда инфратузилма лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида эришилган муваффақиятлар ҳам диққатга сазовордир.

Шуниси қувонарлики, Ўзбекистондаги 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ, яъни "децил коэффициенти" деб ном олган кўрсаткич барқарор пасайиш тенденциясига эгадир. Шу маънода Жаҳон иқтисодий форуми рейтингида Ўзбекистон дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани таҳсинга лойиқ.

"Жаҳон" АА.
Брюссель

Сергели тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги "Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан "ишсиз" деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг 2016 йил 20 январдаги 04-26-сон хати билан берилган таклифини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Сергели туманида 2016 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Л.Закирлаева):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (А.Ганиев) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Сергели тумани тармоқ администратори (Р.Галеев):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.sergeli.poytaxt.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Шамуратов зиммасига юклансин.

Сергели тумани ҳокими
Ф.Максудходжаев

2016 йил 22 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Обод ва озода шаҳрим

УНУМЛИ МЕҲНАТ — МАҚСАДГА ЕТАКЛАЙДИ

Пойтахтимиз кўчалари йилдан йилга обод бўлиб, тобора чирой очиб бормоқда. Атрофга бир қаранг, равон кўчалар, гўзал хиёбонлар, ранг-баранг гуллар баҳри дилингизни очади. Бу борада жойлардаги ободонлаштириш тизимига қарашли ишчи-ходимларнинг меҳнати самараси катта, албатта.



Дарҳақиқат, Шайхонтоҳур тумани Ободонлаштириш бошқармаси ишчилари томонидан ўтган 2015 йилда бир қатор арзирли ишлар амалга оширилди.

Туман ободонлаштириш бошқармасида бугунги кунда 528 нафар ишчи-ходим меҳнат билан банд. Бошқармада 7 та участка иш олиб боради, — дейди биз билан суҳбатда туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Б.Гайбуллаев, — тумандаги барча шоҳ кўчалар ишчи-фаррошлар, ирригаторлар томонидан мунтазам тозаланиб, уларнинг санитар ҳолати назорат қилиб борилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бугунги кун ҳолатига кўра Шайхонтоҳур туманидаги кўчаларнинг умумий майдони 2 млн. 169 минг квадрат метр, 45 та кўча бўлиб, уларнинг умумий узунлиги 62 минг 713 погоно метрни ташкил этади. Бекатлар сони 119 та, бетон ариқларнинг умумий узунлиги 102 минг 619 погоно метр, тумандаги дарахтларнинг умумий сони 26 минг 994 тани, арчаларнинг умумий сони эса 8 минг 794 донани ташкил қилади.

Ўтган 2015 йил давомида ирригация тармоқлари бўйича 184 минг 350 погоно метр жой, 19 минг 664 погоно метр труба мостлар тозаланди, жами 4 минг 220 тонна чиқиндилар олиб чиқиб кетилди. Бундан ташқари 21 минг 326 дона дарахтларга агротехник шакл берилди.

Йил давомида туман бўйича кўча ва хиёбонларга ҳар хил турдаги гул кўчатлари экилди.

Бошқармада 8 та автомашина ва 7 та трактор механизми, 19 дона тиркама мавжуд бўлиб, ҳар куни режа асосида ҳар бир бўлимга механизмлар бириктирилган.

Туман бўйича жамоат транспорт қатнови ва маҳалла кўчаларига дастур асосида ўтган йили 1,4 тонна асфальт бетон қоришмаси ётқизилиб, жорий таъмирланди. Номи ўзгарган ва қўшимча кўчаларга 200 та кўча кўрсаткичлари ўрнатилди.

Бошқармада меҳнат қилувчи ишчи-ходимлар ва фаррошларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Ободонлаштириш бошқармаси ишчи-ходимларининг аксарияти кўчада ишлайдилар, уларнинг унумли меҳнат қилишларини таъминлаш мақсадида уларга махсус кийимлар ажратилган.

— Ўтган 2015 йил "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган режа асосида тадбирлар амалга оширилди, — дейди касаба уюшмаси қўмитаси раиси Дилфуза Маҳкамова, — бошқармада узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган 2 нафар ишчимизнинг соғлиғини тиклаш мақсадида "Ботаника" санаторийсига бепул йўлланма бердик. Бундан ташқари 5,4 млн. сўм ажратилган маблағга нафақага чиққан ходимларимизнинг 19 нафарига пул мукофотлари, қимматбаҳо эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Мухтасар қилиб айтганда, Шайхонтоҳур тумани ободонлаштириш бошқармаси ишчилари томонидан ҳудуд озодалигини сақлашда, туманни кўркам ва обод масканга айлантиришда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу каби эзгу ишлар 2016 йил — "Соғлом она ва бола йили"да ҳам давом эттирилади.

З.ШАРИФЖОНОВ

Жаҳон банки рейтингига кўра, Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олди.

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бу Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда бизнес юритиш учун кенг шарт-шароит, ҳимоя ва кафолатлар яратилганининг яна бир халқаро эътирофидир. Тадбиркорлик субъектларига кўплаб солиқ имтиёзлари берилаётгани, ягона солиқ ставкаси даражаси пасайтирилаётгани соҳа ривожига қаратилган ана шундай имкониятлардан.

Жорий йилда хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2015 йилдагига нисбатан яна 1 фоизга пасайтирилиб, 5 фоиз қилиб белгиланди. Бу дунё миқёсида энг мақбул ставкадир. Хорижий давлатлар солиқ амалиётида кичик ёки ўрта корхоналар учун солиққа тортишнинг алоҳида шкаласи мавжуд эмас. Кўпчилик ривожланган давлатларда солиқлар даромадга қараб солинади. Масалан, АҚШда катта ва кичик корхоналар даромадига яраша солиқ тўлайди ва унинг энг паст ставкаси 15 фоиз. Буюк Британияда бошқа солиқ тўловчилар каби кичик ва ўрта корхоналар ҳам даромадларни ҳисоблаш ва декларациялаш қоидаларига бўйсунади. Солиққа тортишнинг ўсувчан шкаласи амал қилади. Солиқ ставкаси даромад ортишига қараб ортиб боради.

– Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови Президентимиз Ислом Каримов фармонига мувофиқ 2005 йил 1 июлдан бошлаб жорий этилган, – дейди ЎзА шарҳловчисига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юридик шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғи Ҳамиджон Ҳабибиддинов. – Бунинг моҳияти шундаки, шу кундан бошлаб соҳа вакиллари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқни тўлаб келмоқда. Бу уларнинг кўпроқ даромад топиши, фаолиятини ривожлантиришига имконият яратмоқда.

2005 йилда ягона солиқ тўлови ставкаси 13 фоиз эди. Бу кўрсаткич йилдан йилга пасайтирилиб, айни пайтда 5 фоизни ташкил этмоқда. Эътиборли жиҳати, кичик корхоналарнинг даромади қанчалик ортса ҳам бу солиқ ставкаси ўзгармайди. Ягона солиқ тўлови ставкасининг камайиши ҳисобига жорий йилда ушбу микрофирмалар ва кичик корхоналар ихтиёрида 58,4 миллиард сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар бериш, қулай шарт-шароитлар яратиш борасида изчил сиёсат олиб борилмоқда. Бунинг натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етди. Ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

– Кичик корхона ташкил этганимга ўн йилдан ошди, – дейди пойтахтимиздаги "Елкан" масъулияти чекланган жамияти раҳбари А.Алимов. – Елимдан маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Давлатимиз кўмагида фаолиятимиз ривожланиб бормоқда. Ягона солиққа оид ставканинг кескин пасайтирилгани маҳсулотларимиз тури ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, ишчилар сонини ошириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 354-моддасига асосан ягона солиқ тўловини тўловчилар ягона солиқ тўлови тўлаш муддатини давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил муддатга кечиктириш ҳуқуқига эга. Кечиктирилган сумма имтиёзли давр тугаганидан сўнг ўн икки ой ичида қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, тенг улушлар билан тўланади. Бу янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга фаолиятининг дастлабки йилида қаддини тиклаб олиш учун қулай шароитдир.

Солиқ кодексининг 356-моддасига мувофиқ, янги технологик асбоб-ускуналар олиш, сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштириш, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш учун комплекслар олишга йўналтирилган маблағлар, технологик асбоб-ускуна бўйича – у фойдаланишга топширилган пайтдан бошлаб беш йил ичида солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига камайтирилиши белгиланган. Бу ҳам корхона фаолиятини замон талабларига мослаштириш ва ривожлантириш учун қулайлик яратади.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиғи ҳамда ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилган.

Бизнес юритиш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган бундай имкониятлар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигида муҳим омил бўлмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА

Тинчлик-осойишталик — энг улуғ неъмат

Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз "Маҳалла — ҳам ота, ҳам она" деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Ислом КАРИМОВ

МАҲАЛЛА — ҲАМ ОТА, ҲАМ ОНА

ЖОЙЛАРДА ЎТАЁТГАН УЧРАШУВЛАРДА ШАҲРИМИЗ ФАОЛЛАРИ, КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ШУ ҲИКМАТЛИ НАҚЛНИ ҚАЙТА-ҚАЙТА ТАЪКИДЛАМОҚДА

Маҳалла — шарқона, миллий қадрият. У ўзида кўп асрлик тарих мобайнида шаклланган ва тобора сайқал топиб бораётган бой анъаналарни мужассам этади. Бу анъаналар шу қадар мукаммалки, бугун ўз миллий давлатчилигига эга халқимизнинг ўзини ўзи бошқаришдаги демократик механизмига айланиб улгурди.

Ўзбекистон фуқароларининг барчаси муайян маҳаллада истиқомат қилади. Бизда инсон ҳаётини маҳалласиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мамлакатимизда маҳалла тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришда шаҳримизда тўпланган бой тажрибаларнинг алоҳида ўрни ва мавқеи бор. Бугунги кунда пойтахтимизда 505 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асаридаги "Маънавият – инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир" деб номланган биринчи бобида "Маънавиятни шакллантиришнинг асосий мезонлари" деган фасл бор. Унда маҳаллага ана шундай мезонлардан бири сифатида қаралиб, унинг маънавий ҳаётимизни юксалтиришдаги роли ва таъсирига алоҳида баҳо берилган: ***"...Азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар, авваламбор, маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган".***

Маҳалла бизда қадим тарихга эга. У миллий турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Тўғри, собиқ тузум даврида ҳам шаҳримизда маҳаллалар бор эди. Унинг бирда бор, бирда йўқ номигагина идораси ҳам ташкил этилган эди. Бироқ маҳалла қўмитаси у даврларда фуқароларга маълумотномалар ёзиб берадиган, қурукдан-қуруқ, хўжакўрсинга фаолият олиб борадиган, ваколатлари чекланган бир тизим эди, холос.

Мустақилликка эришганимиздан кейин биз миллий давлат қуришга киришдик. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: ***"...Маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Шу билан бирга, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда".***

Бежиз эмаски, мустақиллик йилларида "маҳалла" тушунчаси миллий давлатчилигимиз тарихида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилди. Асосий Қонунимизнинг 105-моддасида шундай қоида мустаҳкамланган:

"Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади".

Бу мамлакатимизда халқчил сиёсат олиб борилаётганидан далолат беради. Шунингдек, бу юртимизда изчил амалга оширилаётган ***"Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари"*** деган тамойилнинг амалий ифодаси ҳам ҳисобланади.

Энди энг муҳим нуқтага эътиборни қаратайлик. Маҳалла ва маънавият бир-бири билан шу қадар чамбарчас боғлиқки, бугун бу икки тушунча ўртасидаги алоқадорлик ҳар қачонгидан кўра ҳам кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Ҳаммамизга аёнки, биз таҳликали замонда яшаяпмиз. Дунёда бўлаётган турли нохуш воқеа-ҳодисалар, одамларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун курашнинг тобора кескинлашиб бораётгани, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатларида юз бераётган нотинчликлар, Европа давлатлари ўртасидаги келишмовчилик, қўшни Афғонистон ҳудудидаги асрий муаммоларнинг оқилона ечим топмаётгани ҳаммамизни огоҳ бўлишга, тинчлик-хотиржамлигимизнинг қадрига етишга, маънавиятимизни янада юксалтириш учун тинимсиз ҳаракат қилишга ундайди.

Ана шу мақсадларнинг ҳеч бирига маҳалласиз, унинг иштироки ва кўмагисиз етиб бўлмайди.

Ҳар биримиз ҳар доим ўзимизга савол берайлик:

Хўш, маҳалламиз тинч-осойиштами? Ҳудудимизда кўни-кўшни бўлиб истиқомат қилаётган кишилар ўртасида аҳиллик мавжудми? Маҳалламизга номалум шахслар аралашиб қолмаганми? Бу ерда ғайриқонуний фаолият юритаётганлар йўқми?

Ахир, халқимиз: "Шаҳар бедарвоза эмас", – деган нақлни бекорга айтмайди. Демак, маҳалла ҳам бедарвоза эмас.

Конституциямиз берган бир имконият шундан иборатки, ҳар ким мулк орттириш ҳуқуқига эга. Ҳар қандай фуқаро меҳнат қилиб, топган маблағига ўзи яшаб турган уй-жойдан ташқари яна уй-жой сотиб олиши мумкин. Бола-чақаси бор одам учун бу ҳеч қачон зарар қилмайди. Қайтанга, бир қунига ярайди.

Албатта, ҳар кимнинг юртимиз ҳудудида эркин яшаш ҳуқуқи ҳам бор.

Хўш, ана шу вақтинча яшаш учун келган фуқаролар қаерда истиқомат қилади? Албатта, ҳозирча бўш турар-жойларда. Албатта, қўшимча уй-жойга эга фуқаро уйини ижарага беради.

Лекин баъзан айрим муаммолар ҳам юзага келади. Биринчидан, уйнинг соҳиби бошқа маҳаллада туради, ижарага қўйган уйи эса шаҳарнинг тамоман бошқа, ҳатто, жуда узоқ маҳалласида бўлиши ҳам мумкин. Ижарага берилган уй жойлашган маҳалла аҳли уйнинг ҳақиқий эгасини ҳам танимайди, бу ерда ижарада тураётган кишиларни ҳам. Бу эса айрим қинғир ишларни амалга ошириш учун тап-тайёр имконият дегани. Ҳаётни кўриб, билиб турибмиз-ку. Оз бўлсада, айнан шундай ҳодисалар юз бериб турибди-ку.

Нима қилиш керак?

Ҳа ортиқча турар-жойга эга бўлган фуқаро уйига ижарага одам қўйиб, ҳатто, фойда ҳам кўраверсин. Фақат бир шарти бор – ҳаммаси қонуний бўлсин!

Маҳалла бу уй кимники эканлигидан ҳам, бу ерда кимлар яшаётганидан ҳам тўла бохабар бўлсин. Ижарада туриб яшаётганлар ҳам ўзини шу маҳалланинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида ҳис этсин. Маҳалланинг иссиқ-совуғига бирдай аралашсин. Тўй-маъракаларда фаол қатнашсин.

Бунга нима етсин!

Кейинги ойлар мобайнида шаҳримиз маҳаллаларида фуқароларнинг яшаш рўйхати масаласи ўрганиб чиқилганди ва ҳали фуқароларимизнинг ижарага қўйишнинг амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган талабларига жавоб бериш ҳақида жуда кам ўйлаётгани аёнлашди. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллада тинчлик-хотиржамликни таъминлашга салбий таъсир этяпти.

Ҳолбуки, маҳалла — бугун ҳар бир ҳудуднинг асосий ўзини ўзи бошқариш органи. Маҳалладаги ҳар бир уй-жойда айнан ким истиқомат қилаётганини, аввало, маҳалла фаоллари суриштириши, бундан бохабар бўлиши, ижарага қўйишни расмийлаштиришни фуқаролардан жиддий тарзда талаб қилиши, бу ҳудудда яшовчиларнинг ғайриқонуний тарзда истиқомат қилишига асло йўл қўймасликка эришиши лозим.

Замоннинг тобора мураккаблашаётгани, ғоявий-мафкуравий вазият кескинлашаётгани кун сайин маҳалла фуқаролар йиғини зиммасига янги-янги вазифалар қўйиб бораверади. Маҳалла ёшлар тарбиясининг ҳам асосий гўшаси ҳисобланади. Ахир, мактаб ҳам, мактабгача таълим муассасаси ҳам, интернет кафелар ҳам айнан маҳалла ҳудудида жойлашган-да.

Ҳаёт маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва фаоллари, мактаб, мактабгача таълим муассасаси масъуллари ҳамда профилактика нозирларининг доимий ҳамкорликда ишлашини тақозо этади. Ахир, диний экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган оилалар ҳам айнан маҳаллада яшайди-ку. Шу оилаларнинг фарзандлари мактабгача таълим муассасаси, мактабга борадими? Боради. Шундай оилалар аъзоларига тўғри йўлни кўрсатиш, ёрдам бериш керакми? Керак.

Ҳаётда *жамоатчилик таъсири* деган тушунча бор. Хусусан, Шарқ халқларида жамоавийлик кайфияти устун бўлади. Болаликдан ҳаммамизнинг онг-тафаккуримизга: *"Одамлар нима дейди, маҳалла-қўй нима дейди?"* – деган фикр сингдирилган. Одамларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш ёки шу таъсирга тушиб қолганларни ёмон йўлдан қайтаришда бу жуда муҳим бир омил.

Демак, хато йўлга кирган ҳар қандай одам ҳам омма орасида бадном бўлишни сира-сира истамайди. Шундай экан, тарбия борасида маҳалла институтидан янада унумлироқ фойдаланишимиз зарур. Аҳоли ўртасида ижтимоий кайфиятни яхшилашнинг турли йўлларини излашимиз ва топишимиз лозим бўлади.

Мана, шаҳримизда маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови яқинлашяпти. Бугун маҳалла оқсоқоли – масъулиятли вазифа. Бу ишни тиниб-тинчимайдиган, эл хизмати йўлида елиб-югуришдан чарчамайдиган кишилар бажариши керак. Эътибор қилинса, раисларимиз анча ёшаряпти. Бўлажак сайловлар жараёнида бу кўрсаткич янада ошишига ишончимиз комил.

Мамлакатимизда энг замонавий таълим масканларида ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши, бир сўз билан айтганда ўз дунёқарашини бойитиб, энг юқори чўққиларни забт этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, ёшларга оид давлат сиёсати изчил амалга оширилмоқда. Бироқ, бу борада айрим муаммолар ҳам йўқ эмас.

Зеро, ҳали-ҳамон маҳалла билан шу ҳудуддаги таълим муассасалари ҳамкорлигини изчил йўлга қўйишда бирмунча қийинчиликлар мавжуд. Баъзи маҳаллаларда жиноятчилик, айниқса, ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга асосий сабаб нима? Аввало, бекорчилик. *"Бекорчидан Худо ҳам безор"*, – дейди доно халқимиз. Бу нақлнинг тагида олам-олам маъно бор.

Ёшлар ўртасида қонунбузарликлар содир этилса, айбни одатда таълим муассасаси ота-онага, ота-она эса таълим муассасасидан излайди. Бундай тортишувдан маҳалла қолаверса профилактика нозири силлиққина чиқиб кетиши керакми? Йўқ. Ҳолбуки, бу каби ножўя ҳаракатларнинг олдини олиш фуқаролар йиғини фаолиятининг мағзини ташкил этиши керак эмасми?

Маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириб, янги-янги иш ўринлари яратишга кўмаклашиш ҳам маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Маҳалла ҳудудидаги хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари, кичик бозорчалар фаолиятини, хусусан, уларда санитария ва гигиена қоидаларига қатъий амал қилишни, экологияга зарар етказмаслик масалаларини ким назорат қилади?

Модомики, маҳалла ўзини ўзи бошқариш органи экан, бундай масалаларни ҳам тегишли давлат органлари билан яқин ҳамкорликда амалга ошириши зарур.

Очиғи, ҳаммамизда оздир-кўндир лоқайдлик бор. Айтайлик, кечаси алламаҳалда тўрт-беш ўсмир уйингиз атрофидаги холироқ ерда йиғилиб ўтирибди. Улар нима ҳақда гаплашяпти, нега бу ерга йиғилиб олишган? Кўпинча бундайлар қўшни маҳалланинг овлоқроқ жойини танлашади. Бундай тарбияга муҳтож ўсмирлар қаерда бўшлиқ бўлса, ўша ерга йиғилади.

Атрофдагилар буни билиб турса ҳам: ***"Менга нима экан? Менга тегмаяптими, аралашиб нима қиламан? Билганини қилишмайдими?"*** **– деб ўйлайди. Улардан:** ***"Бемаҳалда нима қиляпсанлар?"*** **– деб сўрашмайди. Жуда хом ўйлашади. Чунки айнан ана шулар амалга ошириган жиноят эртага жамиятга жуда қимматга тушиши ҳам мумкин-ку.**

Ёки маҳаллаларимиз, хусусан, кўпқаватли уйлардан иборат мавзелардаги гаражлар атрофида рўй бераётган баъзи ҳолатларни олиб кўрайлик. Айнан шундай жойлар кечалари турли кимсалар уюшиб олиб, "суҳбат" қурадиган маконларга айланган. Келамиз, гаражимизни очиб, автомобилимизни қўямиз-у, эшикларни қулфлаб, уйимизга қараб равона бўламиз. *"Менинг гаражимга, машинамга тегмаяптими, менга нима экан, ўтираверишсин, ичса, ўзининг пулига ичади"*, – деб ўйлаймиз. Оқибати билан заррача ишимиз йўқ. Лоақал, гаражлар атрофини ифлослантириб, ахлатларини йиғиштирмай кетишаётганининг олдини олиш зарурлигини ҳам ўйламаймиз. Лоқайдлик қиламиз.

Ана шундай масалаларни назорат қилишни ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари, кенг жамоатчилик ўз зиммасига олиши керак. **Ахир, фуқаролар йиғинидаги мавжуд комиссиялар нима билан шуғулланиши лозим? Жамоатчилик назорати дегани шу эмасми?**

Давлатимиз раҳбари деярли ҳар чиқишларида маънавият, маънавият ва яна маънавият ҳақида гапирадилар. ***"Шу сабабли биз маънавий ҳаётимизни, миллий онг ва қадриятларимиз, эътиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, маънавий оламимизни юксалтиришга интилар эканмиз,*** **– деб ёзадилар Юртбошимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида, –** ***буларнинг барчаси маҳалла идорасига янада кўпроқ имконият бериш, унинг ҳуқуқий ва амалий ваколатларини кенгайтириш билан бевосита алоқадор эканини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз".***

Оилада, маҳаллада тарбия яхши бўлса мамлакатда тинчлик-осойишталик ҳукм суради. Аввало, маҳалла тарбия ўчоғи бўлмоғи лозим.

Кўпқаватли уйлар мавжуд жойларда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, профилактика нозирлари фаолият олиб боради. Улар ўз ҳолича, маҳалла ўз ҳолича ишламасин. Албатта, маҳалла оқсоқолининг маслаҳатчилари бор. Маҳалладаги профилактика нозири, ширкат раиси маҳалла оқсоқолига елкадош бўлиши даркор. Маҳалла ҳудудидаги таълим муассасалари раҳбарларининг, айниқса маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳам бевосита маҳалла билан ҳамкорлик қилиши лозим.

Инсонга амал ҳам вақтинча берилади. **Ҳаммамиз маҳаллада яшаймиз. Маҳалланинг осойишталигини сақлаш, фаолиятига ҳар томонлама ёрдам бериш эса – барчамизнинг, қолаверса ҳар бир ташкилот раҳбарининг ҳам эзгу ишидир.**

Юртимизда инсон манфаатларига энг устувор масала сифатида қараб келинади. Инсоннинг яшашдан кўзланган бош мақсади нима? Албатта, ҳамма ҳам фаровон турмуш кечиришни, фарзандлар ўстириб, уларнинг роҳатини кўришни, жамиятга фойда келтиришни орзу қилади. Аммо бу: ***"Олма пиш, оғзимга туш!"*** **– деган билан ҳал бўлиб кетаверадиган масала эмас. Ҳаёт – жуда мураккаб.**

Яратганга шукрлар бўлсинки, жаннатмонанд Ўзбекистонимизда тинчлик ва осудалик ҳукмрон. Лекин бу нарса ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Давлатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш йўлида қилинаётган кенг кўламдаги ишлар халқимизни муайян ғоя атрофида жипслаштириб, эзгу мақсадлар сари чорлаб келаётир. Бунда, табиийки, маҳалланинг ўрни беқиёсдир.

Аммо замон маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини тубдан яхшилашни тақозо этмоқда. Бинобарин, бугунги кунда шаҳримиз туманларидаги барча маҳаллаларга амалий ёрдам бериш мақсадида ҳудудлар кесимида секторлар ташкил этилган бўлиб, уларга туман ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг масъул раҳбарлари бириктирилган. Ҳозирда барча туманларда жами 44 та сектор фаолият юритмоқда. Мазкур секторлардаги маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар мутасаддилари, бир сўз билан айтганда, кенг жамоатчилик иштирокида жойларда тинчлик-осойишталикни таъминлашда маҳаллаларнинг ўрни, ёшлар тарбияси, жиноятчиликнинг олдини олиш, ободонлаштириш масалаларига бағишланган учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Бугунги кунда пойтахтимиз мегаполис шаҳар сифатида тараққий этмоқда. Шаҳримизга келаётган сайёҳлар оқими кучайди. Шу билан бирга, меҳнат миграцияси туфайли келаётганлар сони ҳам ошиб боряпти. Шунингдек, узоқ муддатга бошқа юртларга кетиб, қайтаётганлар орасида билиб-билмай турли ёт оқимларга кириб қолганлар ҳам учрамоқда. Ана шу мураккаб вазият ҳар биримизни огоҳликка чорлаяпти, лоқайд бўлмасликка ундаяпти.

Афсуски, кейинги пайтларда баъзи маҳаллаларда бир қатор муаммолар юзага келган. Ёшлар ўртасида турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари учрамоқда. Рўй берган жиноятчилик ҳолатлари орасида қотиллик, босқинчилик, талончилик, ўғрилик, гиёҳвандлик ҳолатларини кўрамиз. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ҳам бор. Ҳатто, яширин тарзда фоҳишахона очиш ҳоллари ҳам юз беряпти.

Хўш, бу иллат ва жиноятларнинг илдизи қаерда? Маҳалла оқсоқоллари, фаоллар, таълим муассасалари мутасаддиларининг масъулияти-чи?

Маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги саккизта комиссия бир маромда ишлаяптими ўзи? Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси бор, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар бор, посбонлар бор, шунча куч бўла туриб, нега бундай жиноят ва бошқа салбий ҳолатларга йўл қўйиляпти? Ахир, оила – жамият таянчи, давлат пойдевори. Ҳар бир оилада жамиятда юз бераётган ҳар қандай воқеага дахлдорлик ҳисси билан қаралса зарур мақсадга эришилади.

Тўғри, шаҳримизда оилавий жанжалларга барҳам бераётган, томонларни муросага келтириб, яраштириб қўяётган маҳаллалар кўп топилади. Маҳалла оқсоқоллари аралашуви билан ҳаёти изга тушиб кетган оилалар ҳам оз эмас. Бироқ ҳамма маҳаллаларда ҳам шундай эмаслиги кишини ташвишга солади.

2015 йил 9 октябрда Тошкент шаҳар ҳокимининг нотурар жой объектларида видеокузатув мосламаларини ўрнатиш ҳақидаги 181-Ф-сон фармойиши қабул қилинди. Бу ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда ўз самарасини бераётир.

Ушбу фармойишга мувофиқ ҳозир айрим хонадонлар ҳар эҳтимолга қарши уйи атрофида видео-кузатув мосламалари ўрнатяпти. Бу ҳам – замон талаби. *"Асраган кўзга хас тушмас"*, – дейди халқимиз. Кўпчилик кўпқаватли уйлар йўлакларининг эшиклари қулфланиб, кодлаштириб қўйилган. Мақсад – уйга бегоналарни, тасодифий кишиларни йўлатмаслик. Бу ҳам – кўп маъқул усул. Жамиятдаги барча яхши анъаналар кенг ёйилиши зарур.

Муқаддам судланганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишда айнан маҳалла оқсоқоллари эътиборли бўлиши керак. Ўзимизга савол берайлик: қачон улардан ҳол-аҳвол сўрадик? Бундай фуқаролар айнан жамиятда, биринчи навбатда, маҳаллада тарбияланиши керак, уларнинг кейинги ҳаёти маҳалла назоратидан четда бўлмаслиги лозим.

Йиғилишларда паспорт тизими, хорижга чиқиш масалалари, бўш хонадонларни ижарага бераётган уй эгаларининг масъулиятини ошириш, турли ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш масалалари ҳақида ҳам сўз бормоқда.

Баъзи мактаблар, коллеж ва лицейлар ўқувчиларининг дарсга қатнашиши аҳволи ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Шу тариқа туманларда бўлиб ўтаётган йиғилишларда барча масалаларга танқидий-таҳлилий руҳда ёндашилмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олишда маҳалланинг ролини ошириш, узоқ муддатга хорижга кетган шахсларни аниқлаш ва улар билан алоҳида ишлаш, ёшлар ва вояга етмаганларнинг таълим-тарбиясида таълим муассасаси ҳамда ота-онанинг масъулиятини ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда оилалар билан узвий алоқада бўлиш, бола тарбиясида маҳалла ва қўни-қўшниларнинг масъулиятини кучайтириш лозимлиги қайд этиляпти...

Ер юзининг кўп минтақаларида бот-бот уруш оловлари чақнаб турибди. ***"Бир кун уруш бўлган уйдан қирқ кун барака кетади"*****, – деган халқона ҳикматимиз бор.**

Бугун Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик, хотиржамлик ҳукм суриб келяпти. Халқимиз тинчликнинг нақадар улуғ неъмат эканини яхши англайди, қадрига етади.

Биздаги тинчлик-хотиржамликни бутун жаҳон эътироф этмоқда. Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин мустамлака давридан мерос бўлиб қолган қолоқ иқтисодий тузумни ислоҳ қилиб, мунтазам ривожланиш босқичига кирдик. Жаҳонда оғир оқибатлар билан кечаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, мамлакатимизда бир неча йилдан буён ялпи ички маҳсулотнинг 8 фоиздан кам бўлмаган даражада ўсишига эришиляпти.

Бу нимадан далолат беради? Бу тинчлик-осойишталик бор ерда тараққиёт бўлишини исботлайди. Тараққиёт эса амалда халқ фаровонлигига олиб келади.

Кейинги йилларда халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани, хусусан, халқаро иқтисодий алоқаларимизда янада ёркин намоён бўляпти. Нуфузли хорижий компанияларнинг Ўзбекистонимизга инвестиция киритишга қизиқишининг ортиб бораётгани шуни тўла тасдиқлайди.

Ҳаёт кун сайин олдинга одимлаб борар экан, жамият ҳам, уни бошқариш ҳам янгиланиб, замонага мослашиб бораверияти зарур. Маҳалла ҳам такомиллашиб бориши лозим.

Мамлакатимизда осойишталик ҳам, бир жиҳатдан ўзини ўзи бошқаришнинг ўзига хос, шарқона, миллий тизими бўлган маҳалланинг такомилига бевосита боғлиқ.

Маҳалла фаолиятининг такомили эса ҳаммага – ҳар биримизга боғлиқ.

Шундай эмасми азизлар!

Олим МАҲМУДОВ

Ўз-ўзи ўргатиб доно бўлур

Ватан маҳалладан бошланади.

* * *

Тинчликка эришмоқнинг энг тўғри йўли уни асраш-дир.

* * *

Маҳалла — маънавият ўчоғи.

* * *

Она юртинг омон бўлса ранги-рўйинг сомон бўлмас.

* * *

Тарбиянинг тамал тоши оилада қўйилади.

* * *

Камолот йўлининг чек-чегараси йўқ.

* * *

Ёмон тарбиянинг ибтидоси жаҳолат, интиҳоси жиноят.

* * *

Сен тинч бўлсанг, қўшнинг тинч.

* * *

Маҳалла — жамият таянчи.

* * *

Маъноли суҳбат — энг таъсирчан тарбия воситаларидан бири.

* * *

Маҳалла — соғлом авлод тарбиячиси.

* * *

Тинчликнинг қадрига етиш, унга шукр қилиш керак.

* * *

Маҳалла — миллий қадриятлар маскани.

* * *

Истайсанким етмасин сенга бало,
Ота-онангга сира қилма жафо.

* * *

Фарзанд ота-она учун жондир. Борди-ю у ноқобил бўлса, озори жондир.

* * *

Кексаларни этсанг азизу ҳурмат, сени ҳам кексайганингда этишар иззат.

* * *

Тўрт нарса ҳамма учун керак: саломатлик, гўзал хулқ, ростгўйлик ва ҳалол меҳнат.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"REAL AUKSION" МЧЖ 2016 йил 9 февраль кунидаги № 28(13.091)-сонли Тошкент оқшоми газетасидаги чоп этилган эълонининг мазкур қисми: Аукцион савдоларига: Чилонзор тумани СИБ томонидан: 2015 йил 12 январдаги 13-421/14-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган: **1.** Бошланғич баҳоси - 46 939 500 сўм, 2003 йилда и/ч., дав/рақ: 01P706LA бўлган, "Мерседес бенц 320" русумли; **2.** Бошланғич баҳоси – 84 645 000 сўм, 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 01N202GA бўлган, "Лексус IS250" русумли ва 2013 йил 14 мартдаги 2128-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, "Spase Arsenal Servis" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: Бошланғич баҳоси – 16 031 925 сўм, 2004 йилда и/ч., дав/рақ: 01/054MCA бўлган, "Дамас" русумли автотранспорт воситалари тақроран савдога қўйилмоқда деган жойи, **кейинги ўринларда** Аукцион савдоларига: Чилонзор тумани СИБ томонидан: 2015 йил 12 январдаги 13-421/14-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган: **1.** Бошланғич баҳоси - 46 939 500 сўм, 2003 йилда и/ч., дав/рақ: 01P706LA бўлган, "Мерседес бенц 320" русумли; **2.** Бошланғич баҳоси – 84 645 000 сўм, 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 01N202GA бўлган, "Лексус IS250" русумли автотранспорт воситалари тақроран савдога қўйилмоқда, **деб ўқилсин.**

Осиё чемпионати — 2016

ҒОЛИБ ЖАМОА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ

Пойтахтимизда мини-футбол бўйича Осиё чемпионати бошланди

Мазкур нуфузли мусобақа Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон футбол федерацияси, Ўзбекистон мини-футбол ассоциацияси томонидан Осиё футбол конфедерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Осиё чемпионатига мезбонлик қилиш учун қатор давлатлар даъвогарлик қилган эди. Осиё футбол конфедерацияси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, мамлакатимизнинг нуфузли спорт анжуманларини ўтказиш борасидаги бой тажрибаси ҳамда замонавий спорт инфратузилмаси мавжудлигини инобатга олиб, мазкур чемпионатни Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

Чемпионатни юқори савияда ўтказиш, мусобақа ташкил этиладиган спорт мажмуаларининг халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш бўйича изчил ишлар олиб борилди. Хусусан, мини-футбол учун мўлжалланган янги махсус қоплама ўрнатилди, кийим алмаштириш хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланди, мусобақа котибияти, ахборот маркази, тиббиёт хонаси, матбуот анжуманлари учун махсус жойлар ажратилиб, спортчилар, мураббийлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва мухлислар учун барча шароит яратилди.

"Ўзбекистон" спорт мажмуасида 10 февраль куни Осиё чемпионатининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда спортни, жумладан, футбол ва мини-футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ўз самараларини бераётир. Мазкур спорт турлари бўйича терма жамоаларимиз қитъа ва жаҳон чемпионатларида муносиб иштирок этмоқда. Юртимизда йирик мусобақалар мунтазам ташкил этилаётир.

Ўзбекистон мини-футбол бўйича Осиё чемпионатига учинчи бор мезбонлик қилмоқда. Қитъа миқёсидаги беллашувларда салмоқли ютуқларни қўлга киритган мамлакатимиз мини-футбол усталари халқаро майдонда ўз мавқеи ва обрў-эътиборига эга. Ҳамюртларимиз 2001 йили Эронда, 2006 йили Японияда ва 2010 йили Тошкентда ўтказилган қитъа чемпионатларида уч маротаба кумуш медалга сазовор бўлган. Терма жамоамиз аъзолари 2005 ва 2014 йилларда Вьетнамда, 2007 йил Японияда ўтган Осиё чемпионатларида шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилган.

"Ўзбекистон" спорт мажмуаси ва Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби залларида ўтадиган Осиё чемпионатида қитъамизнинг ўн олтита терма жамоаси ғолиблик учун баҳслашмоқда. Мусобақада юқори натижа қайд этган энг кучли бешта жамоа Колумбияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритади.

Мамлакатимиз спортчилари Ливан, Қирғизистон ва Саудия Арабистони терма жамоалари аъзолари билан "А" гуруҳидан жой олган. Ҳамюртларимиз мазкур нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўрди. Чемпионат арафасида ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларида қатнашиб, Осиё ва Европанинг қатор давлат терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказди.

Шу куни Ўзбекистон ва Саудия Арабистони терма жамоалари учрашуви бўлиб ўтди.

Ўйинда ҳар томонлама устунлигини намоён этган футболчиларимиз рақибларини 5:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Терма жамоамиз аъзоларидан Даврон Чориев иккита, Жамолиддин Шарипов, Артур Юнусов, Константин Свиридов биттадан голга муаллифлик қилди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбирлари



Кўргазмалар

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТНИНГ ФУСУНКОР МАНЗАРАЛАРИ

Тошкент фотосуратлар уйида Искандар Содиқзоданинг "Японияга ташриф" номли шахсий фотокўргазмаси очилди.

Искандар Содиқзода мамлакатимизда ва хорижда ташкил этилган кўплаб биеннале, танлов, кўргазмаларнинг фаол қатнашчисидир.

Ижодкор 2015 йилда Японияда бўлиб ўтган халқаро фестивалда "Шаҳардаги энг севимли жой" мавзусидаги асарлари билан қатнашиб, фахрли ўринни қўлга киритди. Японияга саёҳати ҳақида туркум фотоасарлар яратди, сўнгра фотоҳисобот яратди ҳамда шу асосда кўргазма ташкиллаштирди.

Кўргазмадан тўқсондан ортиқ фотосурат ўрин олган, уларда Япония манзаралари, тарихий обидалари, япон халқининг яшаш тарзи, урф-одатлари, миллий байрамлари акс эттирилган.

Кўргазма доирасида Тошкент фотосуратлар уйининг ижодий фотография мактаб-студияси битирувчиларининг асарлари ҳам намойиш этилмоқда.

Таниқли фотография устаси Искандар Содиқзода узоқ йиллар "Жамият ва бошқарув" журналида фотомухбир бўлиб фаолият юритиб келди. Тошкент фотосуратлар уйининг Ижодий фотосурат мактаб-студияси асосчиси ва раҳбари Искандар Содиқовнинг "Японияга ташриф" деб номланган шахсий фотокўргазмаси Ижодий фотосурат мактаб-студиянинг 10 йиллигига бағишланди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА
Алексей Попов олган сурат

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАРЧА МАСЪУЛ

Бир йил ҳосил оламан десанг, буғдой эк, ўн йил ҳосил оламан десанг, боғ ярат, юз йил ҳосил оламан десанг, авлодингга яхши тарбия бер.

Халқимизнинг теран донолиги акс этган юқоридаги нақл бизга тарбиянинг нозик масала эканини яна бир карра эслатади. Ҳар бир инсон ўз дунёқарашидан келиб чиқиб оламда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилади.

Болалар ҳам шундай. Уларнинг оқ қоғоздек пок тасаввури оламда бўлаётган ўзгаришларни ўз қурбига хос таҳлил қилади. Шундай экан ҳозирги техника тараққий этган тезкор замонда эртанги кунимиз таянчи, келажагимиз пойдевори бўлган ёш авлодни ахборот хуружларидан асрашимиз, турли хил ёвуз кучлар маънавий таҳдид солишининг олдини олишимиз, уларнинг онгу тафаккурини заҳарлашларига йўл қўймаслигимиз учун ҳар бир ота-она, маҳалла, устоз ва мураббийлар огоҳ бўлишимиз лозим.

Оила, ота-она ва Ватан буюк ва ягона эканлигини уларнинг қалбига муҳрлаб, эътиқод-иродасини мустаҳкамлаб боришимиз, ўз юрти учун жонларини фидо қилган Нажмиддин Кубро, Широқ, Жалолиддин Мангуберди каби авлод-аждодларимиз жасоратини ёшлар руҳиятига сингдиришимиз зарур.

Ёшларга мустақиллик, тинчлик ўзи бўлмаганлигини англатиш ва миллий ғурур, миллат ҳуқуқи, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат ва одоб-ахлоқ борасидаги миллий қадриятларимизни оилада, маҳаллада ва таълим муассасаларининг дарс ва тўгарак машғулотлари жараёнлари ҳамда маънавият соатларида ўргатиб, қайта ва қайта уқтириб боришимиз шарт. Ҳозирги кунда илм олиш, касб-ҳунар ўрганишнинг чегараси йўқ, чунки бунга етарлича имкониятлар яратилган. Бу борада Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўз даврида қўллаган "1000 аскар" санъатини ҳозирги даврда яратилган имкониятлардан келиб чиқиб "1000 илму-ҳунар" дейишимиз мумкин.

Биз истаймизми, йўқми, фарзандларимиз турли воситалардан турли хабарларни ўқишади, кўришади. Уларга бу борада чеклов қўйишнинг иложи йўқ. бизнинг вазифамиз бу борада тўғри хулоса чиқаришни, яхшини ёмондан ажратишни ўргатиш бўлади. Бунинг учун уларни музейларга, кутубхоналарга, театрларга ва тарихий обидаларни кўрсатишга олиб бориш, кўрганлари тўғрисида хулосалари билан ўртоқлашиш яхши самара беради. Шунингдек, оилавий китоб ўқиш, табиат қўйнига саёҳатга чиқиш сингари омиллар ҳам ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Бунда яна катталардан эътиборли бўлиш, ҳар бир саволга аниқ ва тўғри жавоб бериш талаб этилади. Ҳар бир жавобсиз қолган савол, ҳар бир бекор қолган вақт ўзининг акс таъсирини кўрсатиши мумкин.

Тарбиянинг шу томонини ҳисобга олиб, ҳозирги глобаллашув даврида ўсиб келаётган ёш авлод онгига турли ёт таъсирлар ўрнашмаслиги учун эътиборли бўлишимиз керак. Уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, касб-ҳунарга йўналиш бериш, оиладаги катта-кичик ишларни ўргатиб бориш ҳам улар келажаги йўлида фойдали қадамдир. Момоларимиз бизни ишга буюриб "Ўрганганинг ўзингга, бажарганинг менга", дейишарди. Биз аждодлар тажрибасига таянган ҳолда замонавий усуллардан кенг фойдаланиб, тарбияга урғу берсак, замоннинг ҳар қандай салбий иллатлари уларни четлаб ўтади.

Ёшлар онгу шуурида маънавий иммунитетни шакллантириш интеллектуал салоҳиятли, ташаббускор ва шижоатли авлод етишишига ўз ҳиссамизни қўшамиз. Ёш авлод тарбиясини ҳар биримиз Ватанимиз, жамиятимиз олдидаги ўз муқаддас бурчимиз деб билишимиз лозим.

Жамила ОРТИҚОВА,
1-Тошкент Педагогика коллежи ўқитувчиси

Танловлар

АЗАМАТ ЙИГИТЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактабда "Азамат йигитлар" кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Туман "Баркамол авлод" болалар маркази, "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши, Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "М.Улуғбек ЎқувСТК" унитар корхонаси, туман ХТМФМТТЭ бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда 248, 121, 222, 223, 241, 18, 256-ўрта мактабларнинг 8-9-синф ўқувчилари қатнашди.

Ёш авлодни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, спорт турларига бўлган қизиқишларини орттириш, уларда миллий ғурур фазилатларини, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, глобаллашув даврида ёшларни турли зарарли таъсирлар, бузғунчи ғоялардан асрашда бу каби танловларнинг ўрни беқиёс.

Танловда 5 кишидан иборат "Лочинлар", "Сержантлар", "Фидойилар" ва бошқа жамоалар аъзолари саломлашиш, сафда юриш ва ҳарбий қўшиқ куйлаш, жамоа сардорлари учун савол экспромт, спорт тури бўйича беллашув, эркин мавзуда ҳарбийлар ҳаётидан лавҳалар бўйича ўзларининг чиқишлари билан иштирок этдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки тадбирда жамоа аъзолари ўзларининг бор маҳоратларини кўрсатиб, аҳиллик ва уддабуронлик билан барча шартларни бажардилар.

— Тадбирнинг асосий мақсади ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ҳар тарафлама комил инсон бўлиб етишишларига ҳисса қўшишдан иборатдир, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Мирзо Улуғбек ЎқувСТК" унитар корхонасининг Маънавият, ташкилий оммавий ишлар ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Феруза Турдиева. — Ўйлайманки "Азамат йигитлар" кўрик-танлови ёшларнинг ижодий иқтидорларини ўстириш орқали дунёқарашларини бойитиб, улар онгига соғлом турмуш тарзини сингдириб, жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кўмаклашади.

Жамоаларнинг барча шартлар бўйича чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Иштирокчилар ёш бўлишларига қарамасдан ҳарбийларга хос бўлган сафда юриш, ҳарбий қўшиқ куйлаш, саломлашиш ва савол-жавобларда қанчалик билимли ва шижоатли эканликларини намоён этишди.

Натижаларга кўра 1-ўринни "Адолатли шунқорлар" жамоаси эгаллади. 2-ўрин эса "Сержантлар" жамоасига насиб этди. 3-ўринга "Фидойилар" жамоаси лойиқ топилди. Танловда ғолиб бўлган жамоа аъзолари ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Истиқлол туфайли қайта туғилган қадриятларни эъзозлаш, тарихий анъаналар, урф-одатларимизда мужассам бўлган эзгулик, бағрикенглик, ҳурфикрлик фазилатларини ёшлар онгига сингдиришда бу каби тадбирларнинг ўрни беқиёсдир.

Зиёда РАСУЛОВА

Мутахассис маслаҳати

ГРИППДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ўткир респиратор касалликлари ва грипп асосан куз-қиш мавсумида учрайдиган касалликлар гуруҳига мансуб. Куз ойлари бошланиши, ҳаво ҳароратининг пасайиши билан ушбу касалликларнинг кўтарилиши кузатилади.

Касаллик манбаи бемор одам ҳисобланади. Касалликнинг белгилари тана ҳароратининг 38 даражадан юқори бўлиши, кучли бош оғриқ, томоқ ва мушакларда оғриқлар, бодом безларининг катталашуви, тумов, баъзида қайт қилиш ва ич кетиш билан намоён бўлади.

Бемордан соғлом одамга вирус йўталганда, акса урганда, шунингдек, шахсий гигиена буюмларидан фойдаланганда юқиши мумкин.

Ушбу касаллик билан касалланган беморлар атрофдагилар учун касаллик бошланганидан 7 кунгача хавфли ҳисобланади.

Гриппнинг олдини олиш учун қуйидаги тавсияларга амал қилиш керак: кўчага чиқишдан олдин бурунга оксалин суртмасини суриш, организмни вирусга қарши чидамлилигини ошириш мақсадида таркибида С, А витаминларига бой мевалар наъматак дамламаси ёки сиропи, кўкатлар истеъмол қилиш, хоналарни тез-тез шамоллатиб, дезинфекция моддалари билан ювиб туриш, исириқдан кенг фойдаланиш каби тадбирлар ўз самарасини беради.

Ҳаво ҳароратига мос равишда кийиниш, тананинг совуб кетишига йўл қўймаслик лозим. Аҳоли кўп йиғиладиган жойларда дока ниқобларидан фойдаланилади.

Зарурият бўлмаса, касаллик қайд этилган давлатларга чиқиш ман этилади. Айнан эпидемик нохуш давлатларга бориб келгандан сўнг касалликнинг бирон бир белгилари кузатилса ва касалланиш юзага келса, дарҳол тиббиёт ходимларига мурожаат қилиш зарур.

Унутманг, ўткир респиратор инфекциялари ва грипп ўз вақтида тўғри даволанмаса оғир асоратлар келтириб чиқариши билан хавфлидир.

Д.РАСУЛОВА,
Тошкент шаҳар ДСЭНМ эпидемиология бўлими мудири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

RESPUBLIKA MULK MARKAZI RMM

"Respublika mulk markazi" АЖ — 20 йиллик вақт билан синалган ишончли ҳамкор.

Хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушлар, асбоб-ускуналар, автомототранспорт воситалари ва бошқа турдаги мулкларнинг оммавий савдоларига таклиф этамиз.
Телефон: (0 371) 228-79-52, 228-80-31. **www.rmm.uz**

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Олмазор туман суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳри хўжалик судининг 30.10.2015 йилдаги 10-1508/19188-сонли ижро варақасига асосан I. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Порлоқ кўчаси, 4-уйда сақланаётган "SCHMITZSK 0-24L" русумли, бошланғич баҳоси – 43 000 000 сўм, д/р 90 007 ОАА бўлган, 1998 йил и/ч, ранги оқ, техник ҳолати носоз тиркама-рефрижератор қўйилмоқда. II. "Шообид Плус" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган 1. "ГБА СПГ Нексия Сонс" русумли, бошланғич баҳоси – 22 500 000 сўм, д/р 01 615 TTD бўлган, 2014 йил и/ч, ранги оқ, техник ҳолати носоз автотранспорт воситаси, 2. "Нексия" русумли, бошланғич баҳоси – 22 600 000 сўм, д/р 01 618 TTD бўлган, 2014 йил и/ч, ранги молочно-бежевый, техник ҳолати носоз автотранспорт воситасилари қўйилмоқда. III. "Avto Plasa Servis" МЧЖ да сақланаётган "Малибу" русумли, бошланғич баҳоси — 79 800 000 сўм, д/р 01 430 CDA бўлган, 2013 йил и/ч, ранги белодымчатый, техник ҳолати соз автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 15 март соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 11 март соат 18:00. Автотранспорт воситалари билан Олмазор туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет-эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.

Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар диққатига!
"Respublika Mulk Markazi" АЖнинг устав фондидаги 34 фоиз бошланғич нархи 1 568 627 339 сўм бўлган давлат улушини "Тошкент" РФБнинг биржа савдолари орқали сотиб олишни таклиф этамиз!

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, шунингдек, унинг қуйи тизимидаги ҳудудларининг давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларида, улар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи "ишонч телефони" тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21
Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **12 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража совуқ, кундузи — 2-4 даража илиқ атрофида бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **12 февраль** ва **13 февраль** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-4294
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 255
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 16.50
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ